

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛIGИ**  
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**



**Ю.М. Ахмедов, С.П. Язық, У.Х. Хайитов, Ш.Х. Мавлянов,**

**Ф.Ш. Мавлянов**

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИНИНГ  
ГОРМОНАЛ ВА ИММУН СТАТУСИНИ  
ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**(Ўқув-услубий қўлланма)**



**Самарқанд 2020**

Болалар ва ўсмирлар репродуктив тизимининг функционал ҳолати ва уни текшириш усуллари. Ю.М. Ахмедов, С.П. Яцық, У.Х. Хайтов, Ш.Х. Мавлянов, Ф.Ш. Мавлянов. 2020.- 53 бет.

**Ю.М. Ахмедов** Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон Болалар хирургияси кафедраси профессори, т.ф.д.

**С.П. Яцық** Россия Фанлар Академияси академиги, Россия Тиббиёт Фанлари Академияси Болалар хирургияси ИТИ директори, профессор, т.ф.д.

**Ш.Х. Мавлянов** Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон Болалар хирургияси кафедраси доценти, т.ф.д.

**Ф.Ш. Мавлянов** Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон Болалар хирургияси кафедраси доценти, т.ф.д.

**У.Х. Хайтов** Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон Болалар хирургияси кафедраси ассистенти

#### **Тақризчилар:**

**И.А. Ахмеджанов** Самарқанд давлат тиббиёт институти 2-сон Болалар хирургияси кафедраси профессори, т.ф.д.

**С.А. Алазов** Самарқанд давлат тиббиёт институти Урология курсы профессори, т.ф.д.

Ушбу ўкув-услубий қўлланма Самарқанд давлат тиббиёт институти Илмий кенгашининг  
2020 йил май кунидаги 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Ilmiy kengash kotibi:




Davlatov S.S.



## МУНДАРИЖА

Кискартма сўзлар рўйхати .....	4
Кириш .....	5
<b>1 Боб. Болалар ва ўсмирлар репродуктив тизими комплекс текшириш услублари.....</b>	<b>6</b>
Сpermограмма.....	10
Натижаларга статистик ишлов бериш.....	11
Жинсий ривожланишин баҳолаш.....	12
<b>2 Боб. Болалар ва ўсмирлар репродуктив тизимининг гормонал ва иммун статуснинг функционал ҳолати.....</b>	<b>12</b>
Биринчи босқич. Ўсмирлар .....	13
Жисмоний ривожланиши баҳолаш.....	13
Ёргокни ультратовушли текшириш.....	13
Варикоцеле билан пациентларда андроген функция.....	20
Моякларда сперматоген функциясини характерловчи кўрсатгичлар.....	26
Иккичи босқич. Болаликда операция килинган, вояга етган эркаклар.....	33
Гормонлар таркибини баҳолаш.....	35
Хулоса.....	38
Ўз ўзини синаш учун тестлар.....	43
Адабиётлар.....	48



## **ҚИСҚАРТМА СҮЗЛАР**

<b>Iq</b>	- иммуноглобулин
<b>pH</b>	- водород күрсатгичи
<b>SD</b>	- стандарт чекланиш
<b>SDS</b>	- стандарт чекланиш коэффициенти
<b>ACA</b>	- антиспермал антитела
<b>ЖССТ</b>	- Жахон соғылкни сақлаш ташкилоти
<b>ЖГБГ</b>	- жинсий гармонларни боғловчи глобулин
<b>ДГТ</b>	- дигидротестостерон
<b>РИ</b>	- резистентлик индекси
<b>ЛГ</b>	- лютеинловчи гормон
<b>Ме</b>	- медиана
<b>УТТ</b>	- ультратовушли текшириш
<b>ФСГ</b>	- фолликулостимуловчи гормон
<b>РДМ</b>	- рангли допплерли манзаралаш
<b>МАТ</b>	- марказий асаб тизими

**РТҒА “БСММ” ФДБМ** - Россия Тиббиёт Фанлари Академияси “Болалар

Саломатлиги Миллий Маркази ” Федерал Давлат Бюджет Муассасаси

## КИРИШ

Болалар уроандрологияси амалий аҳамияти шундан иборатки, репродуктив тизимдаги күплаб нұқсон илдизлари болалик даврига, янада аникрок перинатал онтогенезга бориб такалади. Охирғи 10 йилликда болалар уроандрологияси соҳаси күргина янги адабиётлар билан бойиди, болалар уроандрологияси буйича назарий саволлар ечими ва соҳага амалий ёрдамнинг ташкилий аспектлари ишлаб чиқилди, үғил болаларда репродуктив тизимининг күплаб нұқсонларини үз вактида аниқлаш ва даволашда янги тактик ёндоушувлар шакллантирилди.

Жинс шаклланиши бузилишларида хирургик тактика нинг синчиковлик билан ёндошиш схемалари ишлаб чиқилди. Жинсни танлаш билан боғлиқ холда кўрсатма асосида ўспиринларда бир боскичли сұйний жинсий аъзо яратиш орқали маскулинизацияловчи пластикани ўтказиш, лозим бўлганда тестикуляр эндопротезлашни киритиш ёки феминизацияловчи пластикада йўғон ичак сегментидан лапароскоп назорати остида сұйний қин ясаш, лозим бўлганда сут безлари эндопротезларини яратиш кўзда тутилди. Гормонал препаратлар билан даволашда янгича ёндоушув тактикаси ишлаб чиқилди. Болаларда андрологик касалликлар буйича күргина клиник кузатишлар тўпланди.

Рисоланинг мақсади – бугунги кунда болалар ва ўспиринларга ихтисослашган андрологик ёрдамнинг ҳолатини, андрологик касалликларининг замонавий патогенези тушунчаларини, үз вактида диагностика қилиш, даволаш, парвариш ва диспансер кузатувини ташкил қилиш буйича ёндоушувларни баён қилишдан иборатdir.

Ушбу ўқув-услубий кўлланма нафакат болалар уроандрологлари ва болалар хирурглари учун фойдали бўлмасдан, балки педиатр-эндокринологлар, бундан ташқари умумий амалиёт педиатрлари учун ҳам фойдадан ҳоли эмас.

## БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМИНИНГ КОМПЛЕКС ТЕКШИРИШ УСЛУБЛАРИ

Мазкур тадқикотда Россия тиббиёт фанлари академияси “Болалар саломатлиги миллый маркази” Федерал давлат бюджет муассасаси болалар уроандрологияси булимида ва Самарқанд вилоят болалар кўптармоқли тиббиёт марказида хирургия булимларида репродуктив соҳа аъзоларида ўтказилган турли хил хирургик патологияси (варикоцеле, гидроцеле, сперматоцеле) мавжуд бўлган 106 пациентни текшириш натижалари келтирилди. Пациентларнинг ўртача ёши биринчи мурожаат вақтида  $14,5 \pm 1,67$  ёшни ташкил қилди. Кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун улар икки гурухга бўлинди.

**Биринчи гурух** пациентларига ( $n=91$ ) ёрғоқнинг ҳар хил патологияси бўлган  $12-17,9$  ёшдаги ўғил болалар кирди (75 нафар ўсмир варикоцеле билан, 8-гидроцеле, 8-сперматоцеле билан). Пациентларнинг ўртача ёши биринчи мурожаат вақтида  $14,5 \pm 1,67$  йилни ташкил қилди (1 жадвал).

**1 жадвал.** Патологияга боғлик ҳолда пациентларнинг бўлиниши

Патология/Ёш	12-13 ёш	14-15 ёш	15-17,9 ёш	Жами
Варикоцеле III-даражаси	-	22	53	75
Гидроцеле	2	4	2	8
Сперматоцеле	2	3	3	8

Диагноз пациентлар шикояти, анамнез ва кўрик натижалари, ёрғоқ УТТ асосида кўйилди.

Варикоцеле билан пациентларнинг 20% ҳолатида ( $n=15$ ) ёрғоқда тортишиб оғриқ бўлиши, унинг чап томони катталлашиши каби шикоятлар билдирилди. Қолган ҳолатларда мактабда профилактик кўриклар вақтида

(75%) ёки мутахассислар күригіда (хирург, эндокринолог) бошқа сабабларға күра мурожаат қылған вактда аниқланған (5%).

Сперматоцеле пациентларда профилактик күрик вактида (n=5) аниқланған, 2 пациент ёрғок соҳасидаги дискомфорт каби шикоят билан мурожаат қылған (n=2), бир ҳолатда сперматоцеле чов-ёргөк чұрраси билан бирға узраган.

Гидроцеле билан пациентлар ёрғок ҳажмини катталашыши шикояти билан мурожаат қилишган. 2 ҳолатда травматик гидроцеле кузатылған, 2 пациентда операциядан кейинги даврда ривожланған (чап томонлама варикоцеле буйича үтказилған операциядан кейин), 1 беморда орхит фонида келиб чиққан.

Бу гурухдаги ҳамма пациентлар биринчи мурожаатдан сүнг 1-3 ой мобайнида оператив даволаш үтказилди (2010-2015 й.й.).

Ваикоцеледа деярли ҳамма пациентларда Иваниссевич операцияси (n=74), 1 пациентда Поломо операцияси бажарылди. Гидроцеледа Винкельман операцияси (n=2) ва Росса операцияси (n=6) үтказилди. Сперматоцеле диагнози билан пациентларда сперматоцелени кесиб олиш операцияси бажарылди.

Варикоцеле билан 14 ёшдан катта пациентларда, Tanner IV-V (n=34) буйича жинсий ривожланиш боскичи асосида операциядан кейинги даврда 1 ойдан (n=34) ва 6 ойдан (n=34) сүнг назорат күрги үтказилди:

- Клиник күрик, Tanner шкаласи буйича жисмоний ва жинсий ривожланишни баҳолаш билан бирга;
- Ёрғоқда УТТ үтказиш;
- Тестотрон, ЛГ, ФСГ, ингибин В, АСА, ГСПГ миқдорини аниқлаш.

**Иккінчи гурухни (n=15)** 19-ёшдан 25 ёшгача (ұртаса ёш  $22,6 \pm 2,1$  йил) бүлгап пациентлар ташкил қылды, уларда операция 2001-2005 йилларға үтказилған бўлиб, уша вактда уларнинг ұртаса ёши  $13,5 \pm 1,8$  йилни ташкил этган. Оператив даволанишидан кейинги давр 7 йилдан 12 йилгача бўлди (уртаса  $9,2 \pm 1,9$ ). Деярли барча пациентларда оператив даво варикоцеле

(86,7%) буйича үтказилған, 2 пациентда гидроцеле билан операция қилинганды. 6 беморда варикоцеле рецидиви билан кайта операция бажарылған.

Текшириш вақтида деярли ҳамма әркаклар жинсий ҳаётни олиб боришган (n=14), улардан 4 нафар жуфтликда ҳомиладорлық қайд этилған.


**Қиёсий гурұхни** (n=22) 14-17,9 ёшгача бұлған үсминалар ташкил этди, үртача ёш  $14,9 \pm 1,6$  ташкил қилды, Tanner буйича буйича ривожланиш босқичига күра IV- (n=12) V (n=10).

Текшириш режаси ишлаб чиқилди:

- Клиник күрік;
- Ёргөк УТТ
- Гормонал текширишлар: тестотрон, ЛГ, ГСПГ, ФСГ, ингибин В міқдорини анықлаш;
- Конзардобида АСА міқдорини анықлаш.

Ҳамма текширишлар операциядан кейинги 1 ва 6 ойдан сүнг олиб борилди (1- расм)

1-расм. Текшириш схемаси дизайни



## **Физик ривожланишни баҳолаш**

Физик ривожланишни баҳолаш антропометрик күрсатгычлар асосида стандарт механик бўй ўлчагич ва пол тарозиси ёрдамида ўтказилди. Бўй узунлиги ва тана массаси индекси ўртасидаги стандарт чекланиш коэффиценти хисоблаб чиқилди (инглизчадан SDS, Standart Deviation Score). Бўй узунлиги 0,1 см гача аниқликда ўлчанди. Пациент бўйини стандарт чекланишини баҳолаш учун популациядаги ўртача ёшдан SDS стандарт чекланиш коэффиценти куийдаги формула асосида хисобланди:

$$SDS = \frac{X - X'}{SD},$$

Бунда  $X$ -пациент бўйи,  $X'$ -мазкур жинс учун ўртача якуний бўй,  $SD$ -ушбу жинс учун стандарт чекланиш. Мазкур усул Халқаро Британия стандартларига мос келади (Tanner J.M., Goldstein., Whithouse R.N., 1970).

## **ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БАҲОЛАШ**

Жинсий ривожланишни баҳолашда Tanner шкаласидан фойдаланилди (2-жадвал).

2-жадвал. Tanner шкаласи (1969)

Босқичи	Кўкрак безларининг ривожланиши, белгилари	Ков соҳасида тўкларнинг ўсиши, белгилари
I	Моянинг препубертат узунлиги 2,5 см дан кам	Препубертат, тўклар йўқ
II	Мояк узунлиги 2,5 см дан кўп. Ёргок ингичка ва қизғиш	Енгил пигментацияланган сийрак ўсиш ва асосан жинсий олот илдизида камгина жингалак тўклар бўлиши
III	Жинсий олотни бўйи ва энига ўсиши, моянинг кейинги ўсиши	Анча калин, жингалак тўклар ков соҳасигача тарқалган
IV	Жинсий аъзонинг кейинчалик катталашиши, ёргоқда пигментация бўлиши	Тўкланиш катталар типида, сон медиал юзасигача тарқалмаган
V	Жинсий аъзолар улчами ва шакли катталарникидек	Тўкланиш катталар типида, сон медиал юзасигача тарқалган

Гинеталий ривожланиш даражаси ва ков соҳасида тўкланишни босқичлар буйича баҳоланади. IV босқич- учбурчак кўринишидаги тўкланишни давом этиши, унининг чўққиси оқ чизиқ бўйлаб киндиккача кўтарилади (IV босқич 80% эркакларда ва 10% аёлларда кузатилади).

## Ёрғокни ультратовушли текшириш

Ёрғокни ультратовушли текширишда СВБКТТМ диагностика булимида “Toshiba xario 300” аппаратида 10-16 МГц мультичастотали чизиқли датчиқда үтказилди, В-тартибда чов каналини ҳолатини, тестикулалар үлчами ва контурларини морфологик баҳолаш амалга оширилди.

Ранги допплерли манзарапаш (РДМ) тартибидан қон рефлюкси бор-йүклиги, клино- ва ортостазда қон йұналиши баҳоланды. Аъзодаги қон оқими ҳолатини характерлайдиган, резистентлик индекси (РИ, шартлы бирликларда белгиланади) баҳоланды. РИ соғлом үсмирларда учун үртача белгиси  $0,621 \pm 0,049$  ташкыл этади. РИ артериал оқим спазмидан күтарилади ва қонни артериовеноз шунтланишида ва коллатерал типдаги қон айланисида кескин пасаяди.

Веноз гипертензия фонида моякларда ишемик бузилишларда РИ пасаяди.

Мояк ҳажми ( $\text{см}^3$ ) күйидеги формула асосида аниқланади:

$$V=0,523 \times h \times d^2,$$

бунда  $h$  – мояк үлчами,  $d$ - мояк қалинлиги (үлчам см да, ҳажм  $\text{см}^3$ )

## Спермограмма

Катта ёшли пациентларда спермани текширишда жинсий алоқадан 3-4 кундан сұнг үтказилди. 7 кун давомида пациентларга спиртли ичимликларни истемол қилиш тақиқиланды. Спермологик текширишлар Россия тибиёт фанлари академияси “Болалар саломатлиги миллий марказы” Федерал давлат бюджет муассасаси клиник лабораториясыда, Самарақанд вилюяты болалар күптармоқли тибиёт маркази клиник лабораторияси ва “Евромедик” хусусий тибиёт муассасасыда “Одам зәкүляти ва цервикал суюқлик билан сперматозоидларни үзаро таъсири буйича лаборатор текширишлар учун БССТ құлланмаси ” (БССТ, 1999) мос ҳолда үтказилди. Сперма мастурбация йүли билан олинди ва кейинчалик врач-лаборант инструкцияси буйича текширишларни үтказилди. Юкорида келтирилған құлланмага асосан

куйидаги күрсатгичлар нормал деб бағоланды (хона темпратурасыда эзакулят 20-30 минут давомида суюлтирилады):

- ұажми- 2 мл дан күп;
- ранги- күлранг/ок-сут рангда;
- ёпишқоқлиги-0,1-0,5 см;
- водород күрсатгичи (pH)- 7,2 дан каттарок;
- суюқланиш вакти- 60 минутгача;
- 1 мл да сперматозоидлар мөндері-  $2,0 \times 10^6$  күпроқ;
- олдинга ҳаракатланиш билан ҳаракатчан сперматозоидлар;
- нормал (морфологияси буйича)- 60% күпроқ;
- патологик- 40% кам;
- сперматогенез хужайралари мөндері- 4% кам;
- АСА мөндері, MAR усулида (Mixed Antiglobulin Reaction-аралаш антиглобулин реакцияси)-50% кам.

### **Натижаларни статистик қайта ишлаш**

Натижаларни статистик қайта ишлаш “STATISTICA 6.1” (StatSoft Inc.) ва Microsoft Excel 2007 амалий дастурлар пакетидан фойдаланған үолда вариацион статистика усулида үтказилди. Мөндерий күрсатгичлар учун үртача арифметик күттегілік ( $m$ ) ва стандарт чекланиш ( $SD$ ) хисобланған. Натижаларни ёзишда нормал тәксимланиш йүклигіда  $Me$  ва интерквартал үлчамлар (25-чи ва 75-чи перцентиллар) хисобланған. Иккита гурұхдагы күрсатгичларни қиёслаш учун нонпараметрик статистика - Манн-Уитни мезонидан фойдаланилди, белгиларни үзгариши динамикасини бағолаш учун Вилкоксон мезони күлланилди. Белгиларни боғлиқтік таҳлили Спирмен корреляцияси коэффициенті ёдамида бағарылди. Корреляцион таҳлилде күрсатгичлар үртасидаги боғлиқтікни бағолаш Спирмен корреляцияси коэффициенті абсолют ақамияти  $r > 0,70$  да кучли,  $r = 0,69-0,30$  да үртача кучли,  $r < 0,29$  да күчсиз деб бағоланды. Статистик гипотезаны синааб күришде критик мөндер ақамияти учун  $p < 0,05$  күлланилди.

## 2-БОБ.ЧОВ-ЁРГОҚ СОҲАСИ ПАТОЛОГИЯСИ БИЛАН ПАЦИЕНТЛАРДА РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМ, ГОРМОНАЛ ВА ИММУН СТАТУСНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ

Маълумки, эркакларда бепуштлик сабабини 12-25% ҳолларда варикоцеле ташкил этади ва у кўпроқ ўсмир ёшда учрайди. Варикоцеле билан пациентларни даволашда икки хил нуқтаи назар мавжуд: биринчи-консерватив, яъни кузатиш ва медикаментоз даволаш; иккинчи-хирургик даволаш.

РТФА “БСММ” ФДБМ уроандрология булимида ёрғоқ аъзоларининг турили хил патологиялари билан 106 пациент комплекс текширишдан ўтказилган (91 нафар ўсмир ва 15 нафар эркак). Тадқиқотга варикоцеле (83%), гидроцеле (9,4%), сперматоцеле (7,6%) буйича оператив даво ўтказган пациентлар киритилди.

Кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун тадқиқотлар икки босқичда олиб борилди.

- Биринчи босқичда операциядан кейинги натижаларни эрта даврда ўрганиш учун 12,5 дан 17,9 ёшгача (ўртacha ёш  $14,5\pm1,67$  йил) бўлган 91 ўсмир (биринчи гурух) операциягача ва операциядан кейинги давр (1 ва 6 ойдан кейин) олинди. Пациентлардан 75 (82,4%) нафар ўсмирда чап томонлама варикоцеле, 8 (8,8%) нафарида – гидроцеле, 8 (8,8%) нафари - сперматоцеле диагнози тасдиқланган. Ҳамма пациентларда варикоцеле III-даражаси диагнози кўйилган.
- Иккинчи босқичда (иккинчи гурух) операциядан кейинги олис муддатларини ўрганиш учун 15 катта ёшли эркакда тадқиқотлар ўтказилди. Уларни тадқиқот вақтида ёши 19-25 йил ( $22,6\pm2,1$  йил), операция ўтказилган вақтда уларнинг ўртacha ёши  $13,5\pm1,82$  йил, операциядан кейинги давр 7 дан 12 йилгача давот этган (ўртacha  $9,1\pm2,77$

йил). Улардан 13 нафарида операция варикоцеле буйича, 2 нафарида эса гидроцеле буйича ўтказилган.

### **Биринчи босқич. Үсмирлар.**

Пациентларда касаллик давомийлиги 1 йилдан 3 йилгача муддатни ташкил қилган. Кузатилаётган ҳамма пациентларда чап томонлама варикоцеле диагнози күйилган. Мазкур патология билан пациентларнинг асосий қисмida ( $n=74$ ) Иваниссевич операцияси, 1 ҳолатда- Паломо операцияси ўтказилган.

Сперматоцеле билан пациентларда сперматоцелени кесиб олиш операцияси ўтказилган.

Гидроцеле билан беморларда 2 ҳолатда пардаларо анастомоз, қолган ҳолларда Винкельман операцияси бажарилган.

### **ЖИСМОНИЙ ВА ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШНИ БАҲОЛАШ**

Бирламчи қўрик вақтида деярли ҳамма үсмирларда (91,6%) жисмоний ривожланиш ёшги мос келган, бўй кўрсатгичлари +1 дан -1 гача SDS интервалда турган. З ҳолатда бўй SDS -1,2 дан -1,6 гача SDS, бўй SDS 5 ҳолатда 2 SDS ошган. Ўртacha гурухда бўй SDS  $0,46\pm0,8$  ташкил этган.

Ўғил болаларда тана вазни индекси ўртacha  $19,83\pm2,48$  кг/м<sup>2</sup> ташкил килган, бу эса ёш нормативларига мос келади.

Ҳамма пациентлар қўрик вақтида Tanner III-V жинсий етилиш белгиларига эга бўлган.

Шундай қилиб, ёрғоқ аъзолари патологияси бўлган пациентларда жисмоний ва жинсий ривожланиш кўрсатгичлари таҳлилида, мазкур ёш ва жинсдаги ўртacha кўрсатгичлардан чекланиш аниқланмаган.

### **ЁРФОҚНИ УЛЬТРАТОВУШЛИ ТЕКШИРИШ**

#### **Варикоцеле аниқланган пациентлар**

Варикоцеле билан ҳамма пациентларда ( $n=75$ ) операцияга қадар ва операциядан кейинги даврда 1 ва 6 ойда ёрғоқ УТТ ўтказилди. Ёрғоқ УТТ қилинган вақтда моjak ўлчамлари ҳажмни хисоблаш билан (см<sup>3</sup>), РИ (шартли биликларда), уруғ тизимчаси веналари диаметри тинч ҳолатда ва Вальсалви

синамаси фонида баҳоланди. Пациентлар жинсий етилиш босқичига қараб ажратилди: Tanner VI (n=38) ва Tanner V (n=37).

УТТ орқали мояк ҳажми, қон оқими характеристи, уруг тизимчалари венасида кенгайиш борлигини баҳолаш мумкин. Ёргок аъзоларида мазкур текширишни ўтказиш билан оператив даволаш натижаларини баҳолаш, бундан ташқари аъзода гемодинамика тиклангандан сўнг, динамикада мояк ҳажмини аниқлаш имконини беради.

*Tanner VI (n=38) билан пациентларда мояклар ҳажми*

Оператив даволаш ўтказилишига қадар чап мояк (зарарланган томон) ҳажми  $7,4 \pm 3,65$  см<sup>3</sup> ни ташкил этди, бу эса қиёсий гурухдаги чап мояк ўлчамларидан –  $13,5 \pm 1,03$  см<sup>3</sup> ( $p < 0,05$ ) статистик аҳамиятли фарқ борлигини кўрсатади. Ўнг мояк ўлчами оператив даволашга қадар, қиёсий гурухдан ишончли фарқланган -  $10,6 \pm 3,67$  см<sup>3</sup> ( $p < 0,05$ ).

Варикоцеле билан пациентларда оператив даволашга қадар, ҳам чап, ҳам ўнг мояк ҳажмлари ишончли пасайғанлиги аниқланган. Шу билан бирга, варикоцеле билан пациентларда чап мояк ҳажми, ўнг мояк ҳажмига қараганда ишончли пастлиги ( $p < 0,05$ ), чап моякда веноз оқимида бузилиш оқибатида келиб чиққанлиги тасдиқлайди. Операциядан кейинги даврда 6 ойдан сўнг варикоцеле билан пациентларда мояк ҳажми ишонли катталашганлиги аниқланган: чап мояк ҳажми  $8,9 \pm 3,41$  см<sup>3</sup> ( $p < 0,05$ ), ўнг мояк ҳажми  $12,4 \pm 3,9$  см<sup>3</sup> ( $p < 0,05$ ). Бу далилга қарамасдан, операциядан кейинги даврда ўнг ва чап мояк ҳажми катталашиши кузатилсада, қиёсий гурухга нисбатан фарқи сакланиб қолади. Tanner VI билан пациентларда мояк ҳажми динамикаси 2.1-расмда кўрсатилган.

Tanner V (n=37) гурухидаги пациентларда оператив даволашга қадар ҳам чап мояк ҳажми ( $11,3 \pm 3,92$  см<sup>3</sup>), ҳам ўнг мояк ҳажми ( $13,6 \pm 3,41$  см<sup>3</sup>) ишончли пасайғанлиги аниқланган. Мояклар ҳажмини ишончли катталашиши варикоцеле билан пациентларда операциядан 6 ойдан сўнг аниқланган: чап мояк ҳажми  $11,5 \pm 3,22$  см<sup>3</sup>, ўнг мояк ҳажми  $15,1 \pm 3,34$  см<sup>3</sup> ( $p < 0,05$ ).

**2.1-расм.** Варикоцеле билан Tanner VI гурухы пациентларида оператив даволашдан олдинги ва кейнинг маяклар ҳажми



Мазкур гуруждаги пациентларда ўнг мояк ҳажми б 6 ойдан сўнг, қиёсий гурухдан фарқ килмайди ( $p<0,25$ ), чап мояк ҳажмидаги фарқ сақланиб қолган ( $p<0,25$ ). Tanner V билан пациентларда мояк ҳажми динамикаси 2.2-расмда кўрсатилган.

Варикоцеле билан пациентларда мояклар ҳажми таҳлил қилинганда чап мояк билан ўнг мояк ҳажми ўртасида ишончи фарқ аниқланган. Бизнинг фикримизча, бу фарқ веноз димланиш фонида гонада тўқималарида микроциркуляция бузилиш туфайли мояк трофикасини бузилиши билан боғлиқdir. Tanner VI гурухи пациентларида оператив даволашдан кейинги даврда ижобий динамикада қайд этилган: чап ва ўнг мояк ҳажми оператив даволашдан олдинги ҳажмига қараганда ишончли катталашган. Операция ўтказилгандан б 6 ойдан сўнги пациентларда мояк ҳажми қиёсий гуруждаги ҳажмига қараганда ишончли фарқ сакланиб қолди.

Пациентлар орасида 13% холларда (10/75) чап мояк ҳажми ўнг мояк ҳажми билан қиёслаганда сезиларли даражада (30% кўпроқ) пасайиши кузатилган. Бу пациентларда чап мояк ўлчамлари операциядан олдин ва операциядан 6 ойдан сўнг таҳлил қилинди. Тестикулалар ўлчамлари ўртacha 40% (20 дан 70% гача) катталашган. Бизлар томонимиздан операциядан 6 ойдан сўнг сояклар ўлчамлари ишончли ошганлиги кузатилди: бу гуруждаги

пациентларда операциягача чап мояк ҳажми  $4,2 \pm 1,44$  см<sup>3</sup> бўлса, операциядан кейинги 6 ойда  $5,7 \pm 1,57$  см<sup>3</sup> ( $p=0,000$ ) ташкил этди, бу эса оператив даволашнинг ижобий натижага берганлигини, операциядан кейинги даврда кон айланниши тикланганлигини кўрсатади.

**2.2-расм.** Вариоцеле билан Tanner V грухни пациентларида оператив даволашдан олдинги ва кейинги мояклар ҳажми




Эсламта. \* - пациентлар ва назорат грухн уртасидаги фарқ, \*\* - назорат ва асосий грухн уртасидаги фарқ,  $p<0,05$ ; \*\*\* - пациентлар уртасида операциядан олдинги ва кейинги фарқ,  $p<0,05$ .

#### **Резистентлик индекси**

Тадқикот ўtkазилаётган пациентларда РИ ўрганилди. Бу кўрсатгич мояклар гемодинамикасини характерлайди. РИ пасайиши аъзода кон оқимида етишмовчилик борлигидан гувохлик беради. Үнг мояк РИ операциягача ( $0,59 \pm 0,05$ ) назорат гурухидаги кўрсатгичларга ( $0,6 \pm 0,02$ ) қараганда ишончли фрак қилмайди. Тескари, асосий гуруҳдаги пациентларда чап мояк РИ ( $0,51 \pm 0,06$ ) киёсий гурухга қараганда ( $p=0,025$ ) ишончли пастлиги аникланган, бу эса чап мояқда гемодинамик бузилишлар борлигидан гувохлик беради. Оператив даволашдан 6 ойдан сўнг бизлар РИ кўпгина пациентларда ( $0,55 \pm 0,02$ , 87%) сезиларли кўтарилиганлини кузатдик ( $p=0,002$ ), бу эса чап мояқда гемодинамика яхшиланганлигини кўрсатади. Даволашдан 6 ойдан сўнг РИ статистик аҳамиятли кўтарилишига қарамасдан,

бу күрсатгыч ҳамма пациентларда ҳам тикланиши күзатылмади. РИ динамик ўзгариши 2.3 расмда көлтирилген.

### 2.3-расм. Оператив даволашдан олдинги ва кейинги мояклар РИ




Эслатма.  $p<0,025$ -пациентлар ва назорат түрүх үртасидаги фарқ,  $p<0,002$ - пациентлар үртасыда операциядан олдинги ва кейинги фарқ

#### Чап мояк ургу тизимчаси венаси диаметри

Ёрғоқ УТТ килиниш орқали чап мояк веналари диаметри тинч ҳолатда ва Вальсалви синамаси фонида баҳоланди. Тинч ҳолатда ургу тизимчаси венаси диаметри 2-2,5 мм дан ошмаслиги, Вальсалви синамаси фонида – 3 мм ошмаслиги лозим.

Варикоцеле билан пациентларда ургу тизимчаси венаси диаметри II-III боскичида тинч ҳолатда ҳам, Вальсалви синамаси фонида ҳам кенгайғанлиги күзатылди. Асосий гурухдаги пациентларда ургу тизимчаси венаси диаметри  $3,42\pm0,76$  мм, Вальсалви синамаси фонида -  $4,2\pm1,39$  мм ташкил этди, бу қиёсий гурухга қараганда ишончли фарқ қилди ( $2,1\pm0,03$   $\text{cm}^3$   $p=0,025$ ). Оператив даволашдан 1 ойдан сүнг ургу тизимчаси венаси диаметри ишончли кичиклашганлиги тинч ҳолатда ҳам ( $2,1\pm0,21$  мм), Вальсалви синамаси ( $2,1\pm0,29$  мм,  $p=0,02$ ) фонида ҳам кичиклашганлиги операциядан кейинги даврда аникланди, 6 ойдан сүнг фарқ яңада күзэде ташланды (тинч ҳолатда  $2,1\pm0,19$  мм, синама фонида  $2,1\pm0,22$  мм,  $p=0,001$ ), буни 2.4 асмда күриш мумкин.

**2.4 –расм.** Операциядан олдинги ва кейинги мұддатларда чап мояк венаси тинч ва Вальсалви синамаси фонда диаметри (мм)



Эслатма.\*  $p=0,025$ - пациентлар ва назорат гурух үртасидаги фарқ; \*\*  $p=0,02$ - пациентлар үртасида операциядан олдинги 1 ой кейинги фарқ; \*\*\*  $p=0,001$ - пациентлар үртасида операциядан олдинги 6 ой кейинги фарқ.

Шундай қилиб, варикоцеле билан пациентларда ёрғоқ аязолари УТТ чап мояк ҳажми киёсий гурухига қараганда ишончли пасайланғанлығы күзатилди. Варикоцеле билан 13% (10/75) пациентларда чап мояк (үнг моякка қараганда) ҳажми сезиларлы даражада пасайиши аникланди, бу эса мояк тұқимасида қон айланиши бузилишидан гувохлик беради. Операциядан кейинги даврда бу гурухдаги пациентларда мояк ҳажми үртача 40% катталашғанлығы күзатилған, фарқлар ишончли ( $p=0,000$ ).

Операциядан кейинги даврда 6 ойдан сүнг варикоцеле билан пациентларда чап мояк ҳажми катталашғанлығы қайд этилған, бу эса гонадаларда қон айланиши тикланғанлығини күрсатади. Tanner V гурухи пациентларида 6 ойдан сүнг чап мояк ҳажми қиёсий гурухға қараганда ишончли фарқ сакланиб қолди, үнг мояк ҳажми ишончли фарқ қылмади. Tanner IV гурухи пациентларида фарқ сакланған. Варикоцеле билан пациентларда чап мояк РИ баҳоланғанда, бу күрсатгич назорат гурухы билан қиёсланғанда ишончли пастлиғи аникланди. Операциядан 1 ойдан сүнг И ишончли күтарилғанлығы аникланди, бу эса операциядан кейинги даврда қон

айланиши тикланғанлигидан гувохлик беради. б ойдан сұнг РИ күрсатгичлари операциядан олдинги даврга қарғанда ишончли ошғанлиги күзатылди, аммо б ойдан сұнг ҳамма пациентларда ҳам РИ тикланиш күзатылмайды.

### *Гидроцеле диагнозы билан пациентлар*

Бизнинг кузатишлиаримизда гидроцеле билан 8 пациент бўлди. Гидроцеле келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолатларга: ёрғоқ травмаси (n=2), варикоцеле буйича қилингандан операциядан сұнг (n=2), орхит (n=1). Ўтказилган оператив даволаш усуллари: пардалараро анастомоз, Росса ва Винкельман операциялари.

Гидроцеле билан пациентларда операциядан олдин ва операциядан кейин мояк ҳажми, суюқлик ҳажми, моякларда кон оқими баҳоланди. Мазкур касаллик билан пациентларда мояк ҳажми маълумотлари динамикаси 2.1 жадвалда келтирилган.

Гидроцеле билан пациентларда мояк ўлчамлари динамикаси баҳоланганда, операциядан кейинги даврда (б ойдан сұнг) мояк ҳажми ишончли катталашғанлигини күзатдик, 1 ойдан сұнг суюқлик ҳажми камайди, б ойдан сұнг эса ёрғоқ бўшлигига суюқлик аниқланмади.

**2.1-жадвал.** Гидроцеле билан пациентларда операциядан олдинги ва кейинги даврларида мояк ўлчами ( $\text{cm}^3$ )

Патология/ Даво боскичи	Чап мояк			Үйг мояк			
	Операция -дан олдин	Операция- дан 1 ойдан сұнг	Операция- дан 6 ойдан сұнг	Операция -дан олдин	Операция -дан 1 ойдан сұнг	Операция - дан 6 ойдан сұнг	
Гидроцеле (n=8)	15,4±1,2*	15,5±1,2	16,1±2,1***	14,8±2,3*	14,9±2,5**	16,0±2,4***	
Киёсий гурӯх (n=22)	15,5±4,32			15,4±3,91			

Эслатма. \*p=0,01-пациентлар ва назорат гурӯх ўргасидаги фарқ; \*\* p=0,01, p=0,026- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 1 ой кейинги фарқ (үйг мояк); \*\*\* p=0,007, p=0,019- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 6 ой кейинги фарқ (чап ва ўйг мояк).

### *Сперматоцеле буйича операция қилингандай пациентлар*

Пациентлардан (n=8) ўнг томонлама (n=7) ва чап томонлама (n=1) сперматоцеле диагнози күйилди. Бунда уларда мояк ўлчами, РИ, киста ўлчами операциядан кейинги даврда динамикада кузатылди. Кисталар ўртаса ўлчами 1,6x1,1 см ташкил қылды. Мояклар ҳажмининг операциядан олдинги ва кейинги муддатлари ўлчами 2,2 жадвалда көлтирилган.

**2.2-жадвал.** Сперматоцеле билан пациентларда операциядан олдинги ва кейинги даврларидаги мояк ўлчами ( $\text{см}^3$ )

Патология/ Даво боскичи	Чап мояк			Үнг мояк		
	Операция -дан олдин	Операция -дан 1 ойдан сүнг	Операция- дан 6 ойдан сүнг	Операци я-дан олдин	Операция -дан 1 ойдан сүнг	Операция - дан 6 ойдан сүнг
Сперматоцеле (n=8)	15,0±2,2 <sup>*</sup>	15,2±2,2 <sup>**</sup>	15,8±2,0 <sup>***</sup>	14,9±2,5	15,0±2,5	15,7±2,4 <sup>***</sup>
Қиёсий гурӯх (n=22)	15,5±4,3			15,4±3,9		

Эслатма. <sup>\*</sup>p=0,001-пациентлар ва назорат гурӯх ўртасидаги фарқ; <sup>\*\*</sup>p=0,004, p=0,002- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 1 ой кейинги фарқ (Үнг мояк); <sup>\*\*\*</sup>p=0,002, p=0,001- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 6 ой кейинги фарқ (чап ва ўнг мояк).

Сперматоцеле билан пациентлар мояк ўлчамлари таҳлил қилинганда, ҳажми жиҳатдан назорат гурӯхи билан фарқ йўқлиги аниқланди, кисталарнинг ўртаса ўлчами 1,5 дан 1,9 см гача бўлди. Операциядан кейинги даврда динамикада мояк ўлчамлари ишончи катталашганлигини кузатдик, бу ўз навбатида пациентларни ёши ва уларда давом этайдиган жинсий ривожланиш даври билан боғлиқдир.

## ВАРИКОЦЕЛЕ БИЛАН ПАЦИЕНТЛАРДА АНДРОГЕН ФУНКЦИЯ

Варикоцеле билан ўсмирларда репродуктив тизим функционал ҳолатини баҳолаш учун ЛГ, тестотрон, ГСПГ, ингибин В, ФСГ зардобдаги концентрацияси аниқланди. Бизлар томонимиздан Варикоцеле билан 34 ўсмирларда репродуктив тизим функционал ҳолатини ўрганилди. Улар жинсий ривожланиш босқичига мос равишда икки гурӯхга бўлинди: Tanner

VI (n=17) ва Tanner V (n=10). Қиёсий гурухги соғлом күнгиллилар (n=22) Tanner VI (n=10) ва Tanner V (n=12) ташкил этди.

### **Тестотрон**

Маълумки, тестотрон миқдори моякнинг функционал ҳолатини белгилаб беради. Тестотрон аденоғипофизда синтезланувчи ЛГ импульсли таъсири остида, Лейдиг ҳужайраларида синтези килинади. Асосий секретор маҳсулоти тестотрон булиб ҳисобланади, стероидлар ишлаб чиқарувчи ҳамма безлар учун умумий бўлган, биохимик йўллар билан синтези амалга оширилади, охириги маҳсулот безнинг ферментатив тизими билан белгиланади. Мояк веноз қонида кичик андрогенлар деб номланувчи-дегидроэпиандростерон, андростендион ва тестотрон булиши мумкин. Асосий андроген самара тестотрон ва унинг нишон-аъзолардаги метаболити-ДГТ билан таъминланади. Жинсий гормонлар ўсиш ва репродуктив тўқималар фаолияти жараёнлаини бошқаришга иштирок этади, бундан ташқари ўсиш гормони синтезини стимуллайди.

Сперматогенезни таъминлаш учун тестотрон юқори локал концентрацияси лозим, қайсики у нафакат уруғ каналчалари орасидаги Лейдиг интерстициал ҳужайралари якинида жойлашганлиги, балки Сертоли ҳужайраларида синтезланадиган андроген боғловчи оксиллар билан таъминлайди. Унинг 80% тестотрон билан боғланиб уруғ каналчаларига, кейинчалик сперматозоид билан бирга мояк ортиғига ўтади, қолган 20% эса қонга ўтади. Сперматогенезни бошқарувидаги асосий иштироқидан ташқари, жинсий гормонлар қўшимча жинсий безлар фаолияти ва структураларини сакланиб қолишини таъминлайди. Эркаклар қўшимча жинсий безлар тўқималарида андрогенлар эпителиал ҳужайралари регенерациясини стимуллайди, ҳамма ҳужайра ичи компонентларини функционал фаоллигини таъминлайди. Эркакларнинг ҳамма қўшимча жинсий безлари фаолияти андрогенга боғлиқдир. Варикоцеледа веноз димланиш туфайли моякда конайланиши бузилади, бу эса Лейдиг ҳужайраларини заарланишига олиб келади, ўз навбатида бу тестотрон синтези таъсир кўрсатади. 2.3 –жаднайла

варикоцеле билан пациентларда тестотрон микдори хакида маълумотлар келтирилган.

Пациентларда Tanner IV жинсий ривожланиш босқичи ва қиёсланадиган гурухи билан тестотрон микдори баҳоланганда, операциягача бўлган муддатларда тестотрон микдори ишончли пастлиги аниқланди.

Бу пациентларнинг тестотрон курсаттичлари динамикаси таҳлил килинганда, операциядан кейинги 1 ва 6 ойдан сўнг тестотрон микдори ишончли ошганлиги кузатилди. Мазкур гуруҳда операциядан 6 ойдан кейинги тестотрон микдори қиёсланадиган гурухга қараганда ишончли пастлиги сақланиб қолди.

Пациентларда Tanner V жинсий ривожланиш босқичи ва қиёсланадиган гурухи билан тестотрон микдори баҳоланганда, операциягача бўлган муддатларда тестотрон микдори ишончли фарқли аниқланмади. Операциядан кейинги 1 ойдан сўнг тестотрон микдори операциягача бўлган муддатга қараганда ишончли ошганлиги аниқланди.

**2.3-жадвал.** Пациентларда операциядан олдинги ва кейинги муддатларда тестотрон микдори (нмоль/л)

Патология/ Даво босқичи	Операциягача (n=17)	Операциядан 1 ойдан сўнг (n=17)	Операциядан 6 ойдан сўнг (n=17)	Қиёсланадиган гурух (n=10)/(n=12)
Варикоцеле, Tanner IV (n=17), Me (25-75)	11,95 (5,73-25,46)*	14,85 (5,73-25,27)**	15,76 (11,84-25,46)***	23,71 (19,6-29,21)
Варикоцеле, Tanner V (n=17), Me (25-75)	20,06 (11,84-27,05)	23,02 (13,09-28,13)**	25,14 (15,68-26,07)	23,89 (16,1-31,58)

Эслатма. \*p=0,025-пациентлар ва назорат гурух ўртасидаги фарқ; \*\* p=0,02- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 1 ой кейинги фарқ; \*\*\* p=0,025- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 6 ой кейинги фарқ.

Операциядан кейинги даврда динамикада тестотрон ўлчамлари ишончли кутарилганлиги пациентларни ёши ва уларда давом этабетган жинсий ривожланиш даври билан, бундан ташкири мояк тўқимасида қон айланиш тикланганлиги билан боғлиқдир, буни моякни УТТ маълумотлари ҳам

тасдиқлайды. Оператив даволанишдан 1 ва 6 ойдан сүнг тестотрон микдорининг ошиши моякларда андроген фаолиятни сакланганлигидан гувохлик беради.

### *Лютениловчи гормон*

Тадкикотлармизда гонадотроп гормонлар – ЛГ ва ФСГ микдори аникланди. ЛГ Лейдиг хужайраларига таъсир килиб, тестотрон синтезини стимуллайды. Пубертат даврида ва катталарда ЛГ тескари боғлиқлик принципи буйича тестотрон секрециясининг асосий стимулятори бўлиб хизмат килади.

Гонадотроп гормонларнинг гонадалар рецепторлари билан боғланиши тестотрон синтезини фаоллаштиради, бу ўз навбатида гипофиз гормонлари ва гонадалар улар учун хос бўлган троп омилларига манфий тескари таъсир кўрсатади. ЛГ секрецияси импульсли бўлиши, унинг 90-150 минут интервал билан тўлқинсимон характерда қонга чиқишини таъминлайди. ФСГ тестотрон секрециясига таъсир килмайди, лекин Лейдиг хужайраларини пролиферацияси ва дифференцировкасини, бундан ташқари сперматозоидлар этилишини стимуллайди.

Бизлар томонимиздан кўрикдаги, оператив даволанишдан 1 ва 6 йодан сўнг ЛГ микдори биринчи ўрганилди (2.4-жадвал).

**2.4-жадвал.** Операциядан олдинги ва кейинги муддатларда ЛГ микдори (мЕД/мл)

Патология/ Даво босқичи	Операциягача	Операциядан 1 ойдан сўнг	Операциядан 6 ойдан сўнг	Киёсланадиган (n=10)/(n=12) гурух
Варикоцеле, Tanner IV (n=17), Me (25-75)	2,09 (1,26-3,48)	2,07 (2,01-3,6)	2,07 (1,48-3,6)	2,32 (1,53-3,18)
Варикоцеле, Tanner V (n=17), Me (25-75)	3,3 (2,93-4,93)	3,1 (2,01-3,89)	2,9 (1,39-4,18)	2,52 (1,93-3,75)

Оператив даволашдан олдинги ва кейинги даврда ЛГ миқдори баҳоланганда, қиёсланадиган гурух билан пациентлар орасида статистик аҳамиятли фарқ борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ЛГ концентрацияси ошишининг йўклиги операциядан кейинги даврда мояклар функционал ҳолатидан, гипоталамо-гипофизар-гонада ўки ва бу занжирнинг ҳамма қисмларида тескари боғлиқлик кўринишидаги ўзаро боғланышни сакланиб колганлигидан гувоҳлик беради.

Операциядан кейинги даврда тестотрон миқдорининг ошиши ва ЛГ концентрациясининг кўпайшиши йўклини аниқланди.

### ***Жинсий гормонларни боғловчи глобулин (ЖГБГ)***

Қон зарбодидаги тестотрон катта қисми ЖГБГ ва альбумин билан боғланган холда бўлади. Бу маълумотлар 3.5-жадвалда келтирилган.

Назорат ва асосий гурухда операциягача бўлган вақтда ЖГБГ миқдори қиёсланганда, бизлар операциягача бўлган вақтда пациентларда ЖГБГ миқдори ишончли юқори эканлигини аниқладик.

**3.5-жадвал.** Операциядан олдинги ва кейинги муддатларда ЖГБГ миқдори (нмоль/л)

Патология/ Даво босқичи	Операциягача (n=17)	Операциядан 1 ойдан сўнг (n=17)	Операциядан 6 ойдан сўнг (n=17)	Киёсланадиган гурух (n=10)/(n=12)
Варикоцеле, Tanner IV (n=17), Me (25-75)	82,28 (76,3-91,39)*	79,98 (59,58-87,12)**	69,4 (48,5-86,1)**	59,79 (42,89-65,86)
Варикоцеле, Tanner V (n=17), Me (25-75)	82,63 (65,5-97,4)	78,74 (56,89-87,12)	69,98 (59,58-87,12)	61,48 (49,9-66,63)

Эслатма. \*p=0,02-назорат ва асосий гурух ўртасидаги фарқ; \*\* p=0,03, p=0,015- пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва 6 ой кейинги фарқ.

ЖГБГ тестотрон міңдорини тескари боғлиқлик принциpler буйнешкамайтиради, экстрогенлар ЖГБГ міңдорини оширади. ЖГБГ концентрациясига мояклар токсик заарланиши ва гонадалар ишемиясы таъсир күрсатади, улар мазкур күрсатгични концентрацияси ошишига таъсир күрсатади.

Киёсланадиган гурух билан пациентларда операциядан бойдан сұнг бизлар томонимиздан ишончли фарқлар аникланмади ( $p=0,5$ ).

Олинган маълумотлар шундан гувохлик берады, операциядан кейинде даврда ЖГБГ міңдори статистик ахамиятли пасайиши келиб чиқади. Бизлар ЖГБГ концентрациясими пасайишини ва тестотрон концентрациясимиң ошишини ва операциядан кейинги даврда моякда гемодинамикасиниң яхшиланиши билан изохлаймиз.

## МОЯКЛАРДА СПЕРМАТОГЕН ФУНКЦИЯСИНІ ХАРАКТЕРЛОВЧИ КҮРСАТГИЧЛАР

Моякларда сперматоген функциясими характерловчи асосий гормонал күрсатгичлар- ФСГ ва ингибин В.

ФСГ аденогипофизда секреция бўлади ва асосан Сертоли хужрайраларига таъсир күрсатади. Сперматогенез координацияси ва бошқарилиши гипоталамус, гипофиз ва мояк ўртасидаги ўзаро боғланиши билан доимий назорат остида амалга оширилади, яъни улар узун, киска ва ультра киска тўғри ва тескари боғлиқлик билан мурракаб тизим яосил килади.

Сперматогенез фаолиятини саклаш учун ФСГ маълум міңдори керак бўлади, яъни у  $10\text{mEд}/\text{мл}$  дан ошмаслиги керак. ФСГ Сертоли хужрайраларнда ишлаб чиқариладиган ингибин В билан тескари боғланиш принципида таъминланади.

Бизлар томонимиздан ФСГ оператив даволашдан олдинги, 1 ой ва 6 ой кейинги міңдори ўрганилди. Бу маълумотлар 3.6-жадвалда келтирилган.

**3.6-жадвал.** Варикоцеле билан пациентларда операциядан олдинги ва кейинги муддатларда ФСГ концентрацияси ( $\text{EД}/\text{л}$ )

Насолетин/ Дав босқичи	Операциягача (n=17)	Операциядан 1 ойдан сүнг (n=17)	Операциядан 6 ойдан сүнг (n=17)	Киёсланадиган гурух (n=10)/(n=12)
Варикоцеле, Tanner IV (n=17), Me (25-75)	3,73 (2,49-5,325)	3,89 (2,47-4,88)	3,2* (2,47-3,88)	2,92 (1,55-4,23)
Варикоцеле, Tanner V (n=17), Me (25-75)	4,16 (2,39-4,93)	4,88 (3,22-5,07)	3,91 (2,27-5,05)	4,26 (1,67-4,59)

Эслатма. \*p=0,04- пациентлар ўртасида операциядан 1 ва 6 ой кейинги фарқ.

Tanner IV (операциягача ва ундан кейин) жинсий ривожланиш боскичидаги асосий гурухдаги пациентлар ва назорат гурухидаги шахслар билан ФСГ ахамияти киёсланганда, эрта операциядан кейинги даврга қараганда, операциядан 6 ойдан сүнг ФСГ микдори статистик ахамиятли камайғанлиги аникланди.

ФСГ концентрациясида статистик ахамиятли фарқ қиёсий гурух билан асосий гурух ўртасида аникланмади, бу эса мазкур боскичда сперматоген эпителийнинг сақланғанлиги билан боғлаймиз.

### Ингибин В

Ингибин В- димер полипептид бўлиб, уни синтези Сертоли хужайраларида амалга оширилади. Ўғил болаларда ва ўсмиirlарда ингибин В тадқикоти кам сонли ва қарама-қаршидир: айрим муаллифлар бола ҳаёти биринчи 2 йилида ЛГ ва ингибин В ўртасида корреляцион боғлиқлик борлиги айтишади, ФСГ билан тескари боғлиқлик ўсмиirlик даврида ўрнатилади, бошқалар тестотрон билан хаётнинг биринчи йилида тўғри боғлиқликни топадилар. Ягона фикр фақат ингибин В микдорига нисбатан ўсмиirlик ёшида мавжуд: концентрациянинг чўққиси Tanner буйича жинсий ривожланиш III боскичига тўғри келади. Кейинчалик унинг микдори пасаяди ва IV-V бочқичларда платога етади, янада кейинроқ шу микдорда бутун умр давомида сақланиб қолади.

Операциядан кейинги даврда ингибин В миқдорининг ошишини катта ёшли эркакларда оператив даволашдан кейинги даврда сперматогенезни яхшиланиши маркери сифатида фойдаланиш мумкин.

ФСГ секрециясига нисбатан ингибин В асосан ва дозага боғлиқ тескари манфий фаолиятга эга бўлади. Бу маълумотлар 3.7-жадвалда келтирилган.

Оператив даволашга қадар пациентлар ва қиёсий гурӯҳ кўрсатгичлари баҳолангандা, улар ўртасида ингибин В миқёсида статистик аҳамиятли фарқ олинмади. Операциядан кейинги 6 ойдан сўнги муддатларда ингибин В концентрацияси ҳар иккала гурӯҳда статистик аҳамиятли ошганлиги қайд этилди.

**3.7-жадвал.** Пациентларда операциядан олдинги ва кейинги муддатларда ингибин В концентрацияси (пг/мл), Me (25-75)

Патология/ Даво босқичи	Операциягача (n=17)	Операциядан 1 ойдан сўнг (n=17)	Операциядан 6 ойдан сўнг (n=17)	Қиссанадиган гурӯҳ (n=10)/(n=12)
Варикоцеле, Tanner IV (n=17),	90,27 (79,15-122,5)	125,4 (97,7-160,4)	132,4 (107,7-165,5)*	80,61 (47,68-85,21)
Варикоцеле, Tanner V (n=17)	74,82 (64,1-83,1)	99,17 (78,45-109,6)	132,6 (111,3-166,6)*	88,98 (46,12-118,19)

Эслатма. \* $p=0,02$ ,  $p=0,017$  - пациентлар ўртасида операциядан олдинги ва ундан 6 ой кейинги фарқ.

Асосий гурӯҳдаги операциядан олдинги даврда 4 нафар чап томонлама варикоцеле билан пациентда ингибин В миқдори пастлиги (23-43 пг/мл) аникланди.

Ингибин В миқдорини ўрганишда айрим беморларда мазкур кўсатгичнинг динамикаси хусусиятлари кузатилди:

- Аввалига ингибин В миқдори паст бўлган ва ҳам эрта ва ҳам кечки даврда унинг миқдорини ошиши йўқлиги (n=4, 5,3%); ингибин В концентрацияси 23-43 пг/мл ташкил қилди, фарқ 0-2 пг/мл;

- Операциядан олдинги даврда ингибин В мікдори паст бұлған ва операциядан кепінгі даврда сезиларлы даражада ошган пациентлар ( $n=5$ , 6,6%);
- Операциядан олдинги мұддатларда ингибин В мікдори 100 пг/мл дан күпрок, операциядан кейинги мұддатларда эса бироз үзгариши, фарқ-1-10 пг/мл (ошган).

Ингибин В концентрациялари ўртасида, андроген ва сперматоген функцияларини характерловчи, бундан ташқары мояқ ҳажми ва мояқ томирлари РИ асосий күрсатгичларida корреляцияон таҳлил үтказилди.

Бизлар томонимиздан ингибин В мікдори ва РИ ўртасида түгри корреляция олинди, бу эса ингибин В секреция күлүвчи Сертоли хужайралари ҳолати билан аъзонинг қон билан таъминланиши билан бевосита боғланиш борлигидан гувохлик беради. Мояқ ҳажми ва ингибин В концентрацияси ўртасидаги бевосита боғланиш, органнинг қон билан таъминланиши холатидаги охирғи күрсатгичга боғликтегини тасдиклайды. Ингибин В мікдори ва ФСГ концентрацияси ўртасида тескари корреляция гонадотроп гормонлар ва Сертоли хужайралари функцияси орасида тескари боғликтеги борлигини тасдиклайды (3.8-жадвал).

### 3.8-жадвал. Спирменнинг даражасыга онд корреляцияси

Чап мояқ ҳажми/ингибин В	$r_s=0,64$
Үнг мояқ ҳажми/ингибин В	$r_s=0,72$
ФСГ/ингибин В	$r_s=0,56$
РИ/ингибин В	$r_s=0,52$


3.5-расмда ингибин В мікдори ва мояқ ҳажми ўртасида, 3.6-ингибин В ва ФСГ ўртасида, 3.7-ингибин В ва РИ ўртасида корреляциянинг борлигини акс эттирувчи график келтирилган.

Ингибин В ва ФСГ ўртасида боғлиқлик борлиги ингибин В концентрацияси ошиши, шу ўринда мос равища тескари боғлиқлик принципи буйича ФСГ мікдорини пасайиши билан юзага келган.


Шундай қилиб, бизлар томонимиздан оператив даволанишдан 6 ойдан сұнг ингибин В мікдори ишончли ошғанлиги, ингибин В ва мояқ ҳажми, томирлар РИ ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик борлиги қайд этилди. Ингибин ва ФСГ ўртасида манфий корреляция, бундан ташкари ингибин В ва томирлар РИ ўртасида бевосита корреляция борлиги исботланды.

Олинган маълумотлар асосида бизлар томонимиздан ингибин В мікдорини варикоцеле аниқланған ўсмиirlарда сперматоген функция ҳолатини баҳоловчи маркер сифатида, шунингдек уни динамикада мояқ ҳажми ва РИ билан такқослаганда ўзгариши – ўтказилған оператив давонинг самарадорлик күрсатгичи сифатида фойдаланиш мумкинлиги күрсатилди.


### 3.5-расм. Ингибин В мікдори ва мояқ ҳажми ўртасидаги корреляция



**3.6-расм.** Ингибин В миқдори ва ФСГ ўртасидаги корреляция



**3.7-расм.** Ингибин В миқдори ва резистентлик индекси ўртасидаги корреляция



## **АНТИСПЕРМАЛ АНТИТЕЛА**

АСА- сперматозоид антигенига оид антитела.

АСА ҳам қон зардобида, шунингдек уруғ суюклигида аниқланади. АСА келиб чиқиши сабабларига- мяк травмаси, вазэктомия, репродуктив соҳа аъзоларида ўтказилган операциялар, варикоцеле, сийдик йўллари инфекцияси, жинсий йўл билан ўтадиган инфекцияларини киритиш мумкин. Жинсий хужайралар, сперматогонийдан бошқа, каналчалар базал мембранныси билан бевосита алоқада бўлмайди, унинг озиқланиши ва алмашинуви Сертоли хужайралари цитоплазмаси орқали амалга оширилади. Кўшни Сертоли хужайраларининг ён юзлари орасида гематотестикуляр тўсинқ ҳосил қилиш учун жавобгар бўлган охирги зич зоналар ҳосил бўлади. Хужайра контакти зоналари сперматоген эпителийни икки компартментта ёки оралиқка ажратади: базал- унда сперматогонийлар ва прелептоген спермацитлар жойлашади ва жинсий хужайралари энг кечки генерацияси жойлашган бушлик атрофи. Сперматогенез давомида сперматоцитларни базал оралиқдан бушлик атрофига силжиши келиб чиқади, бунда барьер бутунлиги бузилмайди. Иммунологик бепуштлик ҳамма бепуштлик сабаблари ичida тахминан 0,2-0,4% ташкил қиласди.

Тадқиқот давомида биз пациентлар қон зардобида АСА миқдори операциядан олдинги ва кейинги даврда баҳоланди. Тадқиқот натижалари 2 кишида АСА миқдори ошганлиги аниқланди (2%).

- Биринчи ҳолатда АСА миқдори 68 ЕД/мл гача ошганлиги (нормада 0-60) кузатилди. Бу оператив даволанишга бўлган варикоцеле билан пациент эди. Операциядан кейинги даврда АСА 48 ЕД/мл гача тушди, фарқ 20 ЕД/мл ташкил қиласди (пасайиш).
- Иккинчи ҳолатда ҳам варикоцеле билан пациентда операциягача бўлган муддатда АСА миқдори 69,1 ЕД/мл аниқланди, опператив даводан сўнг АСА миқдори 86 ЕД/мл кўтарилилди, фарқ 16,9 ЕД/мл ташкил қиласди (кўтарилиш).

Текширилгандай пациентларда АСА миқдори үзгариши маълумотлари 3.9-жадвалда келтирилган.

**3.9-жадвал.** Варикоцеле билан пациентларда операциягача ва ундан кейинги антиспермал антителалар миқдори (Ед/мл)


Операциягача (n=35), Me (25-75)	Операциядан 1 ойдан сўнг (n=34), Me (25-75)	Операциядан 6 ойдан сўнг (n=34), Me (25-75)	Назорат гурухи (n=22), Me (25-75)
21,55 (14,42-22,72)	22,04 (16,38-25,95)	22,55 (15,95-30,69)	21,8 (15,74-31,76)

Оператив даволанишдан олдинги муддатларда назорат гурухи ва пациентлар ўртасида АСА миқдори статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади:  $p=0,38$ ,  $p=0,47$ ,  $p=0,68$ , олиб борилган даволаш босқичларига мос равища.

АСА миқдори операциядан олдинги ва кейинги муддатларда таҳлил килингандан, шуннингдек операциядан 1 ва 6 ойдан сўнги текширишлар шуни кўрсатдики, операция уни кўтарилишига таъсир қилмайди. Бизлар томонимиздан АСА миқдори ва сперматоген ва андроген функцияларни ифодаловчи асосий кўрсатгичлар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди. Бунда ЛГ концентрацияси ва АСА миқдори ўртасида бевосита корреляция кайд этилди (3.8-расм).

Маълумки, ЛГ миқдорини ошиши тестотрон концентрацияси пасайганда келиб чиқади. Шундай экан, АСА юқори кўрсатгичлари Лейдиг хужайраларига таъсир кўрсатади, бу эса тестотронни синтези пасайишига олиб келади.

**3.8-расм.** Антиспермал антитела микдори ва лютеинловчи гормон ўртасидаги корреляция



### Иккинчи босқич. Болалик даврда операция қилинган катта эркаклар

Иккинчи босқичда варикоцеле буйича ўсмирилик даврида операция ўтказган, соғлом эркаклар репродуктив холати баҳоланди.

Олдимизга қуйилган вазифаларни амалга ошириш учун пациентлар клиник күргиги, анамнезга аниклек киритиш, жинсий ҳаётни мунтазамлиги, сперматогенезга таъсир қилувчи негатив омилларни ўрганиш, кон зардобидаги гонадотроп гормонлар, тестотрон, ингибин В, ЖГБГ, АСА микдорини ўрганиш, сперограммани баҳолаш, ёргок УТТ ўтказилди.

Мазкур тадқиқотимизда күнгли бўлиб 15 ёш эркак иштирок этди, улардан 3 (20%) нафари оиласи. Бир оиласда тадқиқот вақтида эмизакли боласи бор, иккинчи оиласда ҳомиладорлик давом этаётганлиги, учинчи оиласда ҳомиладорлик эрта даврида бола ташлаш бўлганлиги аникланди.

Оила курмаган йигитлар мунтазам жинсий ҳайт олиб боришини айтишган ва номақбул ҳомиладорликдан сақланишган.

Бу пациентларда сперматогенезга салбий таъсир күрсатувчи омиллар аникланган: икки йигитда оператив даволанишдан бир неча йилдан сүнг, гематома ҳосил бўлган ёрғок травмаси кузатилган, бир пациентда простатит ташхиси куйилган.

Биз томонимиздан салбий омиллар, масалан касбий заар, токсик таъсирот, жинсий йўл билан бериладиган инфекциялар аникланмади.

## ЁРГОҚ АЪЗОЛАРИНИ УЛЬТРАТОВУШЛИ ТЕКШИРИШ

Ҳамма пациентларга гонадалар ҳажми, қон оқими ва ҳамроҳ патологияларни аниқлаш мақсадида УТТ ўтказилди.

Мазкур тадқиқотда ҳамма пациентларда ўнг мояк ҳажми ўртача  $11,24 \pm 3,77$  см<sup>3</sup>, чап мояк ҳажми  $11,93 \pm 3,15$  см<sup>3</sup> ташкил қилди. 7 пациентда РИ ҳам ўнг ва ҳам чап моякда пасайланлиги ( $0,52 \pm 0,03$ ) қайд этилди.

УТТ маълумотлари буйича моякларда бир қанча хусусиятлар аникланди: 2 кишида (13%) моякларда микролитлар, 5 эркақда (33%) чап мояк ҳажми 10 см<sup>3</sup> дан камлиги, 2 эркақда (13%) ўнг мояк ҳажми 6,0 см<sup>3</sup> дан камлиги қайд этилди.

Шундай килиб, ёш эркакларда ҳам ўнг ва ҳам мояк ҳажми пасайланлиги аникланди. Мазкур групуда мояк ҳажми ва ўтказилган операциялар сони ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди, бунда статистик аҳамиятли фарқ аникланмади. Шундан сүнг тестотрон, гонадатроп гормонлар, ЖГБГ, АСА ва ингибин В миқдори таҳлил қилинди.

## **БОЛАЛИК ДАВРИДА ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗГАН КАТТА ЭРКАКЛАР ТЕСТОТРОН, ФОЛЛИКУЛОСТИМУЛОВЧИ ГОРМОН, ЛЮТЕИНЛОВЧИ ГОРМОН, ГОНАДАТРОП ГОРМОНЛАР, ЖИНСИЙ ГАРМОНЛАРНИ БОҒЛОВЧИ ГЛОБУЛИН, АНТИСПЕРМАЛ АНТИТЕЛА ВА ИНГИБИН В МИҚДОРИ**

Мазкур текширишларнинг мақсади оператив даволашдан бир неча йил ўтгандан сўнг тестотрон, гонадатроп гормонлар, ЖГБГ, АСА миқдорини баҳолашдан иборат. Натижалар 3.10-жадвалда келтирилган.

**3.10-жадвал.** Катта эркаклар тестотрон, фолликулостимулловчи гормон, лютеинловчи гормон, гонадатроп гормонлар, жинсий гармонларни боғловчи глобулин, антиспермал антитела ва ингибин В миқдори.

Кўрсатгичлар	Пациентларда, Me (25-75)	Референсли белги (тўплам маълумотлари буйича)
Тестотрон, нмоль/л	33,9 (25,2-41,6)	16,29-41,6
ЖГБГ, нмоль/л	68,14 (57,14-84,85)	7-70
ЛГ, мЕД/мл	3,6(1,7-6)	0,7-7,4
ФСГ, мЕД/мл	3,5 (4,1-4,8)	1,0-14,0
АСА, мЕД/мл	19,0(17,6-25,1)	0-60
Ингибин В, пг/мл	73(56,9-86,5)	10-500

Хамма эркакларда тестотрон миқдори меъёр чегарасида бўлди, яъни тестотрон секрецияси заарланмаган.

Пациентларда ЛГ миқдори мазкур гурӯхда меъёр чегарасида бўлди, бунда тестотрон миқдори билан ўзаро боғлиқли бўлиб, “гипофиз-гонадалар” тизимида баланс сакланганлигидан, яъни тестотрон миқдори ва ЛГ ўртасида тескари боғланишдан гувоҳлик беради.

ФСГ концентрацияси алоҳида қизиқиш уйғотди, маълумки унинг юқори кўрсатгичлари сперматоген эпителийнинг заарланганлигидан дарак берди, айрим муаллифлар бу кўрсатгични эркакларда фертилликни буизлишини

диагностикасида фойдаланиши тавсия этишади. Бизнинг пациентларимизнинг ҳаммасида ФСГ микдори мазкур ёш гурухи учун референт аҳамият чегарасида турди.

Кон зардобида АСА микдори баҳоланганда, бизлар томонимиздан бир ёки икки операция ўтказган пациентларда унинг юқори кўрсатгичлар аниқланмади. Шундай килиб, хирургик патология билан операция қилинган пациентларда бир неча йилдан сўнг кон зардобида АСА юқори кўрсатгичлари аниқланмади.

ЖГБГ пациентларда референс белги чегарасида бўлди: Me 68,14 нмоль/л.

Ингибин В концентрацияси бизнинг пациентларда 2,5-115,4 пг/мл диапазонида бўлди, Me 73 пг/мл ташкил қилди.

Ингибин В миқдори Сертоли хужайралари функционал ҳолатини акс эттиради ва сперматогенез маркери бўлиб хизмат қиласи: унинг паст кўрсатгичлари сперматогенез бузилишларидан дарак беради.

Кейинги боскичда спермограмма ўтказилди. Мазкур текшириш учун пациентлар жинсий алоказадан 3-4 кун давомида сақланган булиши, спиртли ичимликлар қабул қилмаган, ҳаммом ва саунага бормаган булиши лозим.

Спермограмма маълумотлари асосида кўйидаги натижалар олинди: нормоспермия-4 эркакда, астенозооспермия-сперматозоидаларни харакатини пасайиши 4 ҳолатда, 1 ҳолатда -олигоспермия (эякулят микдори-2 млдан кам) астенозооспермия бирга келди, 2 ҳолатда -тератозооспермия (куп микдордаги шакли ўзгарган сперматозоидлар). Натижалар 3.9-расмда келтирилган.

Тератозооспермия билан бир нафар пациентларидан бирида ингибин В энг паст кўрсатгичи -2,16 пг/мл аниқланди.

Лаборатор, инструментал текширишлар ва спермограмма маълумотлари асосида, бизлар томонимиздан ингибин В, тестотрон, ЛГ, ФСГ микдори ва спермограмма параметрлари, яъни эякулят ҳажми, 1 мл да сперматозоидлар

сони, фаол, нормал ва патологик сперматозоидлар микдори ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилди.

Юқори корреляцион боғлиқлик мояк ҳажми ва тестотрон микдори ўртасида қузатилди (3.10-расм). Ўнг мояк ҳажми билан ( $r_s=0,915$ ) чап мояқдан ( $r_s=0,684$ ) фарқли ўларок юқори боғланиш қайд этилди.


3.9-расм. Ўсмирлик даврида оператив даво ўтказган эркакларда спермограмма натижалари



Ингибин В ва ФСГ микдори ўртасида корреляцион боғланиш кузатилмади: бунга сабаб бизнинг фикримизча, тадқикотда троп гормонлар юқори кўрсатгичлари олинмади, ингибин В паст кўрсатгичлари 2 ҳолатда қайд этилди.

Шундай килиб, спермограммадаги ўзгаришлар гонадатроп гормонлар микдоридаги чекланишлар ҳамма вакт ҳам аниқламайди.

### 3.10-расм. Мояк ҳажми, тестотрон миқдори, нормал сперматозоидлар миқдори ўртасидага корреляция



Ўсмирлик даврида оператив даво ўтказган катта эркаклар текшириш маълумотлари таҳлил қилинганда, айrim пациентларда сперматогенезга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар - ёрғок травмаси, простатит аниқланди.

Операциядан кейинги даврда пациентлар андролог кўригига бўлмаган, спермиологик таҳлиллар қилинмаган.

Спермограммадаги ўзгаришлар гормонал ўзгаришлар билан бирга кечмайди: ФСГ юқори миқдори ва тестотрон паст кўрсаттичи аниқланмади, бу эса пациент ёши ва тестотрон секрецияси сақланганлиги билан боғлик. Тестотрон ва мояк ҳажми ўртасида бевосита корреляция кайд этилди.

Бизнингча, репродуктив аъзоларда ўтказилган операциялардан сўнг пациентлар уролог-андролог, бундан ташқари эндокринолог кузатувида булиши лозим. Кузатишлар гонада ҳажми ва жинсий гормонлар миқдорини динамикада баҳолаш учун зарур. Тестотрон концентрацияси ва мояк ҳажмининг пасайиши- салбий диагностик белгидир.

## ХУЛОСА

Болалик ва ўсмирлик даврида аникланган, андрологик патология- катта ёшли эркакларда шаклланган инфертитликни сабабларидан биридир. Бепуштлик келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллардан бири бўлиб, репродуктив аъзоларда ўтказилган оператив ёндошувлар ҳисобланади. Катта ёшли эркакларда олиб борилган тадқиқотларда, пациентлар ёши 30 дан ошган, репродуктив аъзоларда ўтказилган операциялардан кейинги вақт 10 йил, айрим ҳолларда 20 йилни ташкил қиласди. Ўтган асрнинг 80-90 йилларида эркаклар репродуктив соҳаси тадқиқотлари фаоллашган даврида, анамнезида оператив даво ўтказилган фактга моякдаги аутоиммун жараёнлар тригтер ролини буришиди. Маълумки, 60% ҳолларда бепуштликка олиб келувчи сабаблар болалик даврида шаклланади, бу факт эса бизнинг мақсадимизни белгилаб берди.

Адабиётлар маълумотларига қараганда, бепуштлик буйича уролог ва андрологларга мурожаат қиласиган эркакларнинг тахминана 20-25% болалик даврида репродуктив соҳа аъзоларида операция ўтказган (варикоцеле, гидроцеле, чов чурралари, сперматоцеле, ёрғоқ травмалари).

Фикримизча, оператив ёндошув АСА келиб чиқишида ишга тушириш механизми бўлиб хизмат қиласди, бу эса аутоиммун бепуштликка, гонадаларга заарловчи таъсири натижасида гипогонадизм олиб келади. Бизнинг тадқиқотларимизда операциядан олдинги ва 1 ва 6 ойдан кейинги муддатларда пациентларда АСА юкори концентрацияси аникланмади. Пациентларда операциягача АСА миқдори 21,55 ЕД/мл (14,4; 22,72), даволашдан 1 ойдан сўнг 22,04 ЕД/мл (16,38; 25,95), 6 ойдан сўнг 22,55 ЕД/мл (15,74; 31,76) ташкил қиласди, қиёсий гурухда -21,8 ЕД/мл (15,74; 31,76),  $p=0,38$ ,  $p=0,68$ , бу кўрсатгичлар улар ўртасида ишончли фарқ йўқлигидан гувоҳлик беради. Бизлар томонимиздан АСА ва ЛГ ( $r_s=0,65$ ) миқдори ўртасида ўрта даражадаги бевосита корреляция аникланди. Бунда АСА миқдорининг юкори даражаси Лейдиг хужайраларига негатив

таъсирини тасдиқлайди, бу эса тестотрон концентрациясини пасайишига олиб келади.

Кўпгина тадқиқотларда болалик даврида андрологик патологияни оператив даволашдан то биринчи марта бепуштлик муаммолари буйича мурожаатгача бўлган вақт 15-20 йил ва ундан кўпроқ муддатни ташкил киласиди. Бу даврда фертилликка таъсир қилувчи бошқа салбий омилларнинг таъсири булиши мумкин: чов ва ёрғоқ соҳаси травмаси, жинсий йўллар билан бериладиган инфекциялар; репродуктив соҳа аъзоларидаги яллигланиш касалликлари, гонадаларга токсик таъсирлар, радиация ва бошқа салбий омилларнинг таъсирлари. Бу ҳолатлар болалар уроандрологиясида кейинги тадқиқотларнинг зарурлигини асослайди.

Мазкур ишимизда 1997-2005 йилларда РТФА БСММ урология булимида операция килинган 15 ёш эркак текширишлар ўтказилди. Катта ёшли эркаклар грухихда гонадотроп гормонлар, тестотрон ва АСА микдорида ўзгаришлар аникланмади.

Катта ёшли эркаклар спермограммасида қўйидагича ўзгаришлар аникланди: астенозооспермия-36%, тератозооспермия-18%, олигоспермия +астенозооспермия-9%, нормоспермия-37%.

Ингибин В паст микдори 2 пациентда регистрация қилинди. Болалик даврида операция ўтказган ёш эркаклар гормонал текширишлар маълумотлари ва спермограмма кўрсаттичлари асосида, бизлар томонимиздан тестотрон, ингибин В, ФСГ, ЛГ, мояклар ҳажми ва эякулят микдори, сперматозоидлар умумий микдори, фаол ва нормал сперматозоидлар микдори ўртасида корреляцион тахлил ўтказди (3.11-жадвал).

Тегишли коэффициентларни Спирмен корреляцияда солиштирилганда, ингибин А ва спермограмма параметрлари ўртасида корреляцион боғлиқлик йўклиги аникланди. Тестотрон концентрацияси, мояклар ҳажми, нормал сперматозоидлар микдори ўртасида бевосита боғлиқлик корреляция қайд этилди.

### 3.11-жадвал Мояклар ҳажми, тестотрон, нормал сперматозоидлар миқдори үртасида корреляция

Нормал сперматозоидлар миқдори/ чап мояк ҳажми	$r_s=0,684$
Нормал сперматозоидлар миқдори/ ўнг мояк ҳажми	$r_s=0,915$
Тестотрон/ нормал сперматозоидлар миқдори	$r_s=0,761$

Үтказилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилинганда, куйидаги хулосалар келиб чиқди, яғни ўсмирлик давридаги репродуктив соха хирургик патологиясига ёндошув дифференциранган бўлиши лозим. Варикоцеле I ва II даражаси билан пациентларга уролог-андролог ва эндокринологда динимикада кузатувда булиши, динамикада мояклар УТТ үтказилиши, жинсий гормонлар, ингибин В миқдори текширишлари үтказилиш тавсия этилди. Чап моякнинг ўлчамлари кичиклашиши ёки контраплатерал гонадага нисбатан ўсишдан қолиши, РИ пасайиши- оператив даволаш учун кўрсатма кўриб чиқилиши лозим.

III даражали чап томонлама варикоцеле билан пациентларда, заарланган томондаги мояк ҳажми динамикада кичиклашиши, ингибин В миқдори пастлиги, тестотрон концентрацияси пастлигида, бизлар оператив даво тавсия этамиз.

Операциядан кейинги даврда ўсмирларга уролог-андролог ва эндокринологда динамикада кузатувда булиши, динамикада мояклар УТТ үтказилиши, руҳий-педагогик адаптация, бундан ташкари спермиологик текширишлари үтказилиш етуклик даврига етгунча тавсия этилди.

Шундай қилиб, варикоцеле билан пациентларда операциядан 1 ойдан сўнг тестотрон концентрацияси ва б ойдан сўнг ингибин В миқдорини ошиши, андрологик патологияни хирургик даволашдан сўнг, ўсмирларда жинсий функцияси кўрсатчилари шаклланишида негатив таъсири йўқлигидан гувоҳлик беради, агарда операциядан олдинги ва кейинги эрта ва

кечки даврларда АСА миқдорини ошиши кузатилмаслиги, бундан ташкари варикоцеле билан катта ёшли пациентларда, беспуштлик келиб чиқишига олиб келадиган, аутоиммун патологик жарайыларини келиб чиқишида предиктор вазифасини бажарувчи хирургик ёндошувни истисно этади.

Варикоцеле билан пациентларда оператив даводан олдинги даврда РИ ва чап маяк ҳажмини ишончли пасайиши аникланди. 13% холларда заарланган томондаги маяк ҳажми сезиларлы даражада пасайғанлиги кузатилди, бунда ўнг ва чап маяк ўртасидага фарқ 20% дан күпрокни ташкил этди.

Варикоцеле билан пациентлар гурухыда операциядан кейинги даврда ингибин В ва маяклар ҳажми, маяк томирлари РИ ўртасида бевосита корреляцион боғланиш аникланди, бу эса ингибин В варикоцеле билан пациентларда сперматоген функциясини ҳолатини баҳоловчи маркер сифатида фойдаланиш мумкинligини күрсатади.

Бизнинг фикримизча, варикоцеле I ва II даражаси билан пациентларга уролог-андролог ва эндокринологда динамикада кузатувда булиши, динамикада маяклар УТТ ўтказилиши, жинсий гормонлар, ингибин В миқдори текширишлари ўтказилиши, мазкур пациентларда даволаш тактикасини белгилаш учун хизмат қиласи. Шу билан бирга, варикоцеле билан пациентларда ингибин В концентрацияси пастлиги ва маяк ўлчамлари кичиклиги, РИ пасайиши оператив даволаш ўтказиш учун тавсия этилади.

Репродуктив соҳа аъзоларида оператив даво ўтказган ўсмиirlар уролог-андролог ва эндокринолог, руҳий-педагогик коррекцияси буйича мутахассис динамикада күригиде булиши лозим. Екуклик даврига етгандан сўнг спермограмма қилиш тавсия этилади.

## Үзүүлнин синаш учун тестлар

1. Үсмиirlарда жинсий ривожланишни баҳолаш кимнинг шкаласидан фойдаланилади?
  - а) Лопаткин шкаласидан
  - б) Таннер шкаласидан
  - в) Люлко шкаласидан
  - г) Вальсалви шкаласидан
  - д) Вагнер шкаласидан
2. Варикоцеле билан пациентларда уруғ тизимчаси венаси диаметри кайси синама билан баҳоланади?
  - а) Лопаткин синамаси
  - б) Таннер синамаси
  - в) Люлко синамаси
  - г) Вальсалви синамаси
  - д) Вагнер синамаси
3. Варикоцеле билан үсмиirlарда репродуктив тизим функционал ҳолатини баҳолаш учун фойданиладиган гормонларни күрсатинг?
  - а) ЛГ, тестотрон, ГСПГ, ингибин В, ФСГ
  - б) ЛГ, тестотрон, ТТГ, ингибин В, ФСГ
  - в) ЛГ, ТТГ, ГСПГ, ингибин В, ФСГ
  - г) ТТГ, тестотрон, ГСПГ, ингибин В, ФСГ
  - д) ЛГ, тестотрон, ГСПГ, инсулин, ФСГ
4. Фолликулостимуловчи гормон (ФСГ) каерда синтез булади?
  - а) аденоғипофизда
  - б) Сертоли ҳужрайраларида
  - в) Ледиг ҳужрайраларида
  - г) тимус ҳужрайраларида
  - д) мояк ҳужрайраларида
5. Сертоли ҳужрайралари функционал ҳолатини акс эттириб, сперматогенез маркери бўлиб хизмат қиласидиган гормон?

а) тестотрон

б) ингибин В

в) лютеинловчи гормон

г) фолликулостимуловчи гормон

д) антиспермал антитела

6. Антиспермал антитела (АСА) микдори қандай аникланади?

а) кон зардоби ва уруғ суюклигига

б) лимфа суюклигига

в) факат кон зардобида

г) факат уруғ суюклигига

д) ҳамма биологик суюкликларда

7. Уруғ тизимчasi ва мояк пардалари истисқосини аникловчи тарқалган ва енгил текшириш усули:

а) диафаноскопия

б) тешиб күриш

в) чов соҳасининг рентген сурати

г) чов соҳаси пальпацияси

д) лаборатор тахлиллар

8. 1 ёшгача бўлган болаларда мояк пардалари таранглашган истисқосини даволаш усули:

а) Винкельман операцияси

б) Росса операцияси

в) Бергман операцияси

г) мояк пардаларини тешиш (пункция)

д) кузатув.

9. 9 ёшли болада мояк пардаларининг туташган истисқосини даволаш усули:

а) мояк пардаларини тешиш (пункция)

б) Росса операцияси

в) Бергман операцияси

г) Винкельман операцияси

- д) Росса операцияси ва чов каналини Мартинов бүйича пластика килиш
10. Мояк пардалари ва уруғ тизимчаси истисқосини қайси муддатлар консерватив даволаш мумкин:
- а) чақалоклигидан 1,5 ёшгача
  - б) 1,5-3 ёшгача
  - в) 3-7 ёшгача
  - г) 7-14 ёшгача
  - д) 14 ёшдан кейин
11. Мояк пардалари ва уруғ тизимчаси истисқосини консерватив даволаш учун асосий кўрсатма:
- а) истисқони таранглашуви
  - б) иммун тизимнинг ривожланиши хусусиятлари
  - в) йўлдош касалликлар
  - г) сув-туз алмашинуви хусусиятлари
  - д) бошқа алмашинув жараёнларининг хусусиятлари
12. Қорин парда қин ўсимтаси ўрта қисмida суюклик йигилиши бу:
- а) энтерокистома
  - б) мож пардалари истискоси
  - в) Нукке дивертикули
  - г) Нукке кистаси
  - д) Меккел дивертикули
13. Гидроцеленинг чов ёргок чуррасидан асосий фарқли белгиси:
- а) оғриқ бўлмаслиги
  - б) ёргокни катталashiши
  - в) касалликнинг муддати
  - г) диафоноскопияда ёришиши
  - д) ёргок терисида ўзгариш бўлмаслиги
14. Варикоцеленинг ривожланишига мойиллик берувчи омиллар:
- а) мож ва унинг ортиғи касаллиги

- б) мояк веналарида клапанларнинг бўлмаслиги
- в) корин парда кинсимон ўсимтаси касалликлари
- г) ёрғоқ шикастлари
- д) мояк веналари клапанларининг нимжонлиги

15. Крипторхизм операцияси вақтида қорин орқа соҳасида рудиментар мояк топилди. Нима килиш керак:

- а) хеч нарса қиласдан жароҳат тикилади
- б) мояк ёрғоқка туширилади
- в) мояк олиб ташланади
- г) оператив тактика 2-мояк ҳолатига боғлик
- д) тактика ахамиятсиз

16. Ўз ўрнига тушмаган моякда дегенератив ўзгаришлар қачон бошланади:

- а) чақолоқлик даврида
- б) 2 ёшдан
- в) 6 ёшдан
- г) 12 ёшдан
- д) 16 ёшдан

17. Болаларда таранглашмаган мояк пардалари истисқосини сабаби:

- а) корин ичи босимини ошиши
- б) чов соҳаси қон ва лимфа тизими диспропорцияси
- в) қин ўсимтасини ёпилмаганлиги
- г) чов-ёргоқ соҳаси шикастлари
- д) сийдик йўллари инфекцияси

18. Болаларда мояк пардалари истисқоси турларига кирмайди:

- а) туташувчан
- б) туташмаган
- в) постревматик
- г) физиологик
- д) тез ривожланувчи

19. Мояк пардалари истисқоси билан қиёсланмайди:

- а) чов чурраси  
б) крипторхизм  
в) мояк ни буралиши ва некрозга учраши  
г) чов лимфааденити  
д) уруғ тизимчаси кистаси
20. Мояк пардалари истискоси операциясидан кейинги асорат пайдо бўлишининг сабаби:
- а) болани ёшини кичиклиги
  - б) кўшимча нуксонлар
  - в) кечиктириб килинган операция
  - г) техник хатолар
  - д) юкори сийдик йўллари нуксонлари

## АДАБИЁТЛАР

1. Айзикович Б. И., Айзикович И. В., Верба О. Ю. и др. Роль цитокинов в регуляции сперматогенеза: современный взгляд на проблему. *Иммунология*. 2008; 3: 191-193.
2. Аляев Ю., Гамзиев М., Шестакова Е. Антиспермальные антитела и их роль в возникновении иммунологического бесплодия. *Врач*. 2008; 7: 29-30.
3. Баженов А. В., Комолов Д. А. Сравнительный анализ представлений о собственном теле у детей и подростков. *Вестник РГМУ. Специальный выпуск*. 2011; 1:23-25.
4. Барканова О. В. Половые и тендерные различия отношения к здоровью школьников-подростков. Психология образования: психологическое обеспечение «Новой школы». Материалы V Всероссийской научно-практической конференции, 27.01-29.01.10, Москва. Под ред. В. В. Рубцова. *Москва: Федерация психологов образования России*. 2010. С. 196-197.
5. Володько Е. А. Хирургическая тактика при гипоспадии у детей с нарушением формирования тела. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. М.: Рос. мед. акад. последиплом. образования Росздрава. 2006.
6. Володько Е. А., Бровин Д. Н., Галаева Л. М. и др. Отдаленные результаты лечения гипоспадии у детей с нарушением формирования пола. *Андрол. и генитал. хир.* 2011; 2: 51-55.
7. Галаева Л. М. Результаты лечения гипоспадии у детей с нарушением формирования пола. Автореф. дис.... канд. мед. наук. М.: Рос. мед. акад. последиплом. образования МЗ РФ. 2012.
8. Загарских Е. Ю. Медико-социальные аспекты формирования нарушений репродуктивного потенциала у мальчиков подросткового возраста, проживающих в промышленных центрах. *Междун. эндокр.ж.* 2011; 1:33.
9. Зубкова Н. А., Лозовая Ю. В., Окулов А. Б. и др. Психосексуальная адаптация больных с врожденной дисфункцией коры надпочечников. *Андрол. и генитал. хир.* 2003; 2: 37-40.
10. Комолов Д. А. Представления о собственном теле у детей младшего школьного возраста. *Вестник РГМУ. Специальный выпуск*. 2012; 1: 96-97.

- 11.Кононова Я. В. Медико-социальная и психосексуальная адаптация больных ложным мужским гермафродитизмом. Автореф. дис. ... канд. мед. наук. М.: Рос. мед. акад. последиплом. образования МЗ РФ. 2003.
- 12.Латышев О. Ю. Крипторхизм: исходы и профилактика. Автореф. дис.... канд. мед. наук. М. 2009. 26 с.
- 13.Лельчук С. А., Щербавская Э. А., Гельцер Б. И. Оперативное лечение заболеваний органов мошонки у детей как причина нарушения репродуктивной функции. *Репрод. здоровьес детей и подростков*. 2009; 1: 56-61.
- 14.Можейко Л. Ф. Клинико-психологические особенности личности девочек-подростков в период становления репродуктивной функции. *Мед. панорама*. 2003; 9: 102-109.
- 15.Мотовилин О. Г. Развитие представлений о собственном теле у детей в условиях семьи и интерната. Автореф. дис. ... канд. психол. наук. М.:РГБ ОД. 2001.
- 16.Николаева М. А. Антитела к антигенам сперматозоидов человека в норме и при нарушениях репродуктивной функции. Автореф. дис....докт. биол. наук. М. 2007. 44 с.
- 17.Окулов А. Б., Казанская И. В., Тарусин Д. И. Педиатрическая уроан-дрология в системе профессионального медицинского непрерывного образования. *Андрол. и генитал. хир.* 2005; 3: 55-58.
- 18.Селиванов Т.О. Клинико-лабораторные критерии фертильности при варикоцеле. Автореф. дис.... канд. мед. наук. М. 2008. 25 с.
- 19.Спивак И.М. Профилактическая роль терапевтического обучения пациентов. Материалы IV Всероссийского съезда РПО, 18-21 сентября 2007 г. В 3 т. М.-Ростов-на-Дону: Кредо. 2007; 3: 186-187.
- 20.Спивак И.М. Саногенное поведение взрослых: структура, принципы и модели обучения. М.: LAPLAMBERTAcademicPublishing. 2011. 121 с.
- 21.Стандарт медицинской помощи больным с гипоспадией члено-мошо-ночной. URL: <http://www.ros-med.info>: Медицинская информационно-справочная сеть.
- 22.Тарасова М. Н., Чистякова Г. Н., Ремизова И. И. Нарушение репродуктивной функции у мужчин. *Пробл. репрод.* 2008; 5: 52-55.

23. Тарусин Д. И. Охрана репродуктивного здоровья мальчиков. *Практ. педиатр.* Май, 2007. URL: <http://medi.ru/Doc/j01070535.htm> (дата последнего обращения: 26.01.2013).
24. Устинкина Т. И. Общие вопросы эндокринологии мужской половой системы; структурно-функциональная организация, этиопатогенез недостаточности и основные формы нарушений половых желез. *Пробл. эндокринол.* 2007; 53 (6): 34-40.
25. Файтельсон А. В., Тихоненков С.Н., Файтельсон В. А. Учет тендерных особенностей при психологической подготовке к оперативному лечению на опорно-двигательном аппарате. Материалы Всероссийской научно-практической конференции, посвященной 75-летию Курского государственного медицинского университета и 10-летию кафедры психологии и педагогики «Психологическое сопровождение лечебного процесса». Курск: Курский государственный медицинский университет. 2010. С. 357-359.
26. Хирургические болезни детского возраста. Под ред. А. И. Ленюшкина. Руководство по педиатрии. Под ред. А. А. Баранова, Б. С. Каганова, Р. Р. Шиляева. М.: Династия. 2006. 584 с.
27. Чеботаев И. Л. Оксид азота и половые гормоны при варикоцеле у детей. Автореф. дис... канд. мед. наук. М. 2007. 24 с.
28. Чекалина А. А. Тендерные различия в общении. Психология общения. Энциклопедический словарь. Под общ. ред. А. А. Бодалева. М.: Когито-Центр. 2011. С. 100-101.
29. Шанина Т. Г., Филькина О. М., Кочерова О. Ю. и др. Тендерные особенности отдельных показателей здоровья подростков 15-17 лет. *Социал. аспекты здоровьес населен.* Электрон, науч. ж. 2011; 5: 21.
30. Шарков С. М., Абрамов К. С., Яцык С. П. Патология яичковых вен у детей и подростков. *MEDIC-21 VЕК.* 2006. С. 138-154.
31. С.П. Яцык, и соавт. Болезни органов репродуктивной сферы у мальчиков и юношей. М 2013. С.39-68.
32. Ahari G., Naderimanesh H., Hossein-Nezhad A. et al. A novel tissue engineering-based assay for immunological infertility. *Scand.J. Immunol.* 2008; 68 (4): 463-468.

33. Chavez-Badiola A., Drakeley A.J., Pinney V. et al. Necrospermia, antisperm antibodies, and vasectomy. *Fertil. Steril.* 2008; 89 (3): 723-725.
34. Check J. H. Treatment of male infertility. *Clin. Exp. Obstet. Gynecol.* 2007; 47 (4): 201-206.
35. Cocuzza M., Cocuzza M. A., Bragais F. M. The role of varicocele repair in the new era of assisted reproductive technology. *Clinics.* 2008; 63 (3): 395-404.
36. Di Bisceglie C, Bertanga A., Baldi M., Lanfranco F. et al. Varicocelesclerotherapy improves serum inhibinB levels and seminal parameters. *Int. J. Androl.* 2007; 30 (6): 531-536.
37. Djaladat H., Mehrsai A., Rezazade M. et al. Varicocele and antisperm antibody: fact or fiction? *South Med. J.* 2006; 1: 44-47.
38. Donkol R.N., Salem T. Paterniti after varicocelectomy: preoperative sonographic parameters of success/. *Ultrasound. Med.* 2007; 26 (5): 593-599.
39. Dorr H., Bohring C, Krause W. Are antisperm antibodies indeed sperm-specific? *Andrologia.* 2005; 37 (5): 185-187.
40. Fu G. B., Qian L. X., Cui Y. G., XuZ.Y., XuanH.B., ZhuJ.G., Zhang W. Antisperm antibodies induced by testicular torsion and its influence on testicular function. *Zhonghua Nan KeXue.* 2006; 12 (11): 988-991.
41. Gat Y., Zukerman Z., Chakraborty M. Varicocele, hypoxia and male infertility. Fluid mechanics analysis of the impaired testicular venous drainage system. *Hum. Reprod.* 2005; 20 (9): 2614-2619.
42. Giagulli V. A., Carbon D. Hormonal control of inhibinB in men/. *Endocrinol. Invest.* 2006; 29 (8): 706-713.
43. Haider A., Fauzdar A., Kumar A. Serum inhibinB and follicle-stimulating levels as markers in the evaluation of azoospermic men: a comparison. *Andrologia.* 2005; 37 (5).
44. Huk J., Fryczkowski M., Kaletka Z. et al. Comparison of testicular volume before and after laparoscopic varicocelectomy in children and adolescents. *Med. Wiek. Rozwoj.* 2006; 10 (3, Pt. 2): 885-891.
45. Hurtado de Catalfo G. E., Ranieri-Casilla A., Marra F. A. et al. Oxidative stress biomarkers and hormonal profile in human patients undergoing varicoceletomy. *Int. J. Androl.* 2007; 30 (6): 519-530.

- 46.Ishikawa T., Kondo Y., Yamaguchi K., Sakamoto Y., Fujisawa M. Effect of varicocelectomy on patients with unobstructiveazoospermia and severe oligozoospermia. *BJU Int.* 2008; 101 (2): 216-218.
- 47.Jallouli H., HadjSlimen M., Sahnoun A. et al. Surgical treatment of varicocele improves fertility and facilitates medically assisted procreation. *Prog. Urol.* 2008; 18 (8): 543-549.
- 48.Kondo Y., Ishikawa T., Yamaguchi K. et al. Predictors of improved seminal characteristics by varicocele repair. *Andrologia.* 2009; 41: 20-23.
- 49.Kumanov P., Nandipati K., Tomova A. et al. InhibinB is a better marker of spermatogenesis than other hormones in the evaluation of male factor infertility. *Fertil. Steril.* 2006; 86 (2): 332-338.
- 50.Leonhartsberger N., Gozzi C., Akkad T. et al. Organ-sparing surgery does not lead to greater antisperm antibody levels than orchidectomy. *BJU Int.* 2007; 100 (2): 371-374.
- 51.Liu Y.C., Cai Z.M., Li X.X., Li R., He R., Wu X.H., Chen Z.B., Zhou J. T. Preductive value of serum levels inhibin as an indicator of the presence of testicular spermatozoa in nonobstructiveazoospermia. *Zhonghua Nan KeXue.* 2006; 12 (5): 410-412.
- 52.Meacham R. B., Joyce G. F., Wise M. et al. Urologic Diseases in America Project. Male infertility. *J. Urol.* 2007; 177 (6): 2058-2066.
- 53.NowrooziM.-R., Radkhah K., AyatiM. et al. Serum inhibinB concentration as a prognostic factor for prediction of sperm retrieval in testis biopsy of patients with azoospermia. *Arch. Iran. Med.* 2008; 11 (1): 54-56.
- 54.Nowroozi M.-R., Radkhah K., Keyhani A. et al. Antisperm antibody formation following vasectomy. *J. Fam. Reprod. Health.* 2007; 1 (1): 47-50.
- 55.Oliva A., Dotta A., Multigner L. Pentoxifylline and antioxidants improve sperm quality in male patients with varicocele. *Fertil. Steril.* 2008; 4: 76-78.
- 55.Ozden C., Ozdal O. L., Bulut S., Guzel O., Koyuncu H. H., Memis A. Effekt of varicocelectomy on serum inhibinB levels in infertile patients with varicocele. *Scand.J. Urol. Nephrol.* 2008; 42 (5): 441-443.